

ЛОЙИХА ИШЛАРИ ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ
№ 13651

Урганч шаҳри

2022 йил " 5 " апрел

Келгусида «Буюртмачи» деб номланувчи "Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш хамда иссиқлик таъминоти обьектларини куриш бўйича ижиниринг компанияси" ДУК Хоразм вилояти худудий филиали номидан Низом асосида иш юритувчи бошлиги Б. Қадиров бир томондан, келгусида «Лойихачи» деб номланувчи "MEGA ENERGO LOYIHA" X/K номидан иш юритувчи директор Б. Абдуллаев иккинчи томондан,

(ЛОТ № 59380) Урганч шаҳар "Мустакиллик" МФЙ Тинчлик кўчаси №33, 2Г, 2А уйлар, "Шодлик" МФЙ Ал-Хоразмий кўчаси №202 уй, "Авесто" МФЙ К.Отаниёзов кўчаси №61,61/1 уйлар, "Саховат" МФЙ Амударё кўчаси №9Б уй, "Олма бўг" МФЙ П.Махмуд кўчаси №19 уй, "Кўхна-Қалъа" МФЙ 6 даҳа №12 уй, "Бўстон" МФЙ Ташкент кўчаси 12/3 уй, "Умид" МФЙ А.Темур кўчаси №151,153 уйлар, "Гулчилар" МФЙ П.Махмуд кўчаси №2А уйлар,

Хива шаҳар "Газчи" МФЙ Э.Аллайров кўчаси №29,31,33 уйлар,

Гурлан тумани "Шодлик" МФЙ Бобур кўчаси №14 уй, "Янги бўг" МФЙ Зиротчилар кўчаси №5 уйлар,

Кўшкўпир тумани "Тараққиёт" МФЙ Ал Замахшарий кўчаси №1 уй, "Чаманзор" МФЙ Ш.Рашидов кўчаси №2,19,22 уйлар, Ал Беруний кўчаси №3 уй,

Урганч тумани "Қўмравот" МФЙ Нурли Маскан кўчаси №9,10,11,12,13 уйлар, "Чўлабод" МФЙ Ипак йўли №1,2,3 уйлар,

Хазарасп тумани "Ал-Хоразмий" МФЙ Мустакиллик кўчаси №2,13 уйлар

Тупроққалъа тумани "Мухаббат" МФЙ Мустакиллик кўчаси №3/12, 3/13 уйлар,

Шовот тумани "Паҳтакор" МФЙ Туркистон кўчаси №3,4,5,6,7,8,9 уйлар,

Янгиарик тумани "Янгибод" МФЙ Фаизли кўчаси №11 уй, Мустакиллик кўчаси №96,94,71 уйлар,

Янгибозор тумани Дўстлик МФЙ Истиқлол кўчаси № 1,2,3 уйлар Тротуарларни таъмирлаш, Ташқи ёритиш мосламаларини ӯрнатиш, Болалар майдончасини куриш, Ирригация тармоқларини таъмирлаш, Хожатхоналарни куриш ишларига лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш (ижобий экспертиза хulosаси олиш, АРТ-1,2 ларни олиш ва ушбу хизматлар учун ўз хисобидан тўлаш) ва муаллифлик назоратини олиб бориш ишлари учун пудрат шартномасини туздилар.

1. Шартноманинг мазмуни

1.1. Лойихачи Буюртмачининг лойихалаш топшириғи бўйича ишчи лойиха-смета хужжатларини ишлаб чикиш мажбуриятини олади.

1.2. Буюртмачи лойиха-смета ишларини бажариш учун топширик бериш, зарур бўладиган бошланғич маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш, белгиланган тартибда ва микдорда хақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.3. Лойихачи кўрсатиб ўтилган ишларни «Корхона, бино ва иншоотлари лойиха смета хужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиши тартиби ва тасдиқлаш» хақидаги 1.03.01-03 ШНҚ қоида ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллайди.

1.4. Лойихачи ушбу ЛСХ бўйича барпо этилаетган обьект тўлиқ курилиб, фойдаланишга топширилгунча ШНҚ 1.03.07-2010 талаблари асосида муаллифлик назоратини олиб бориш мажбуриятини олади.

1.5. Шартнома иловалари, мазкур шартноманинг узлуксиз қисми бўлиб, шартнома билан тенг кучга деб хисобланади.

2. Ишларни бажариш муддати

2.1. Лойихачи ишларни дастлабки аванс тўлови амалга оширилган кундан бошлаб бажаришга киришади.

2.2. Мазкур шартномада ЛСХни тайёрлаш муддати, ишлар бошланган кундан бошлаб 13 кун этиб белгиланади.

2.3 Буюртмачи томонидан топширик, бирламчи маълумотларни бериш ва Лойихачи томонидан Буюртмачининг топшириғи бўйича ишчи ЛСХ ишлаб чиқиши, амалдаги тартиб қоидалар бўйича топшириш муддатларини томонлар календар жадвалда белгилайдилар ва у шартноманинг ажралмас қисми хисобланади.

2.4 Ишлар 2022 йилнинг 5 04 куни бошланиб, 2022 йилнинг 18 04 куни тамомланади.

2.5 Пудрат Шартномасини амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабр.

3. Шартнома баҳоси.

3.1 Мазкур шартнома бўйича Лойихачи томонидан бажариладиган ишлар, барча солиқлар, йигимлар, ажратмаларни ва Лойихачининг бошқа харажатларини ўз ичига олган ҳолда, жорий нархларда 79 700 000 сўмни ташкил килади.

3.2 Шартноманинг 3.1 бандига умумий шартнома қийматига, лойиха-смета хужжатлари давлат экспертиза хulosаси олиш даврида аниқлик киритилади.

4. Тўлов шартлари.

4.1 Шартномада миллий валюта «сўмда» ўзаро хисоб-китоб қилиниши белгиланади, тўловлар тўғридан-тўғри Лойихачи хисоб рақамига пул ўтказиш орқали амалга оширилади.

4.2. Мазкур шартнома бўйича мақсадли аванс, ишлар умумий қийматининг 30 фоизини ташкил қиласи.

4.3. Буюртмачи мазкур шартномада белгиланган ишлар тўлалигига бажарилиб, хажми, сифати ва Лойихачининг хисоботи текширилиб, давлат экспертизалиридан ўтказилиб, аниқланган камчилик ва хатолар, билдирилган эътиrozлар бартараф қилиниб ижобий хulosалар олингандан кейин қолган 70 фоиз тўловни амалга оширади.

5. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари.

Лойихачининг мажбуриятлари:

5.1. Лойихалаш хақидаги топшириқа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартномада белгиланган Буюртмачига топшириш мажбуриятларини олади.

5.2 Тайёр бўлган ЛСХ хужжатларини Буюртмачи билан биргаликда фойдаланиш ташкилотлари (электр тармоқлари корхонаси, водоканал, райгаз, ёнгин хавфсизлиги назорати), тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш.

5.3 Буюртмачининг розилигисиз ЛСХ хужжатларини учинчи шахсларга бермаслик.

5.4 Тайёрланган ЛСХ хужжатлари асосида учинчи шахсларда ишни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш хукуқи йўқлигини кафолатлади.

5.5. Буюртмачи томонидан тақдим қилинган дастлабки ва бирламчи маълумотларни, мухандислик қидирув хуносаларини, Буюртмачининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик, улардан фақат ушбу шартномадаги предметда фойдаланиш мажбуриятини олади.

5.6. Объектда курилиш ишлари тўлалигича якунлангандан сўнг, ишчи комиссиясига Лойихачи объектнинг ЛСХ хужжатлари асосида курилганлиги тўгрисида хулоса тақдим қилиш.

5.7. ЛСХ хужжатларини бир-бирига мутаносиблиги (мос келиши) ва иш хажмларини ишчи чизмаларида берилган иш турлари мослиги ШНК талабларига жавоб беришига лойихачи ташкилоти буюртмачи ва пудратчи олдида жавобгардир.

5.8. Тайёрланган ЛСХ хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан Суд ишларида қатнашиш.

5.9. ЛСХни тайёrlаш учун зарур бўлган хужжатлар, буюртмачи томонидан етарли даражада берилмаганлиги аниқланган тақдирда, З кун ичida буюртмачига керакли хужжатлар рўйхати аниқ қўрсатилган холда ёзма мурожаат этиш.

Буюртмачининг мажбурияти:

5.10. Лойихачидан олинган ЛСХ хужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, ЛҚИ хужжатларини Лойихачининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик.

5.11. Шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартномани 1.1-бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва бажарганик учун Лойихачига хақ тўлаш.

5.12. Лойихачига лойиха ишларини бажаришда ушбу шартномада назарда тутилган хажмда ва шартларда хизмат қўрсатиш.

5.13. Қонунчилиқда буюртмачининг шахсан ўзи иштирок этиши назарда тутилган холларда тайёр бўлган ЛСХ хужжатларини тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиша Лойихачи билан бирга қатнашиш.

5.14. Лойихачига боғлик бўлмаган холатлар сабабли лойиха ишларини бажариш учун бошланғич маълумотлар ўзгариши билан боғлик қўшимча харажатларни Лойихачига тўлаш.

5.15. Лойихачининг хукуқлари:

- ЛСХ хужжатларини ишлаб чиқиши жараёнида зарурат бўлса айrim маҳсус қисмларини бажариш учун ёрдамчи (ёрдамчи пудратчиларни) жалб қилишга хақлиdir.

5.16. Буюртмачининг хукуқлари: Қурилиш давомида ёки якунида, ЛСХларида камчиликлар аниқланган ва мазкур камчиликлар лойихачи томонидан тўла бартараф этилмаган холларда, буюртмачи якуний тўловни амалга оширишни тўхтатиб қўйиши ва етказилган зарарни талаб қилиши мумкин.

6. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

6.1. Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топшириқ талаблари асосида календар жадвал бўйича амалга оширилади.

6.2. Лойихачи томонидан топшириладиган ва расмийлаштириладиган хужжатлар рўйхати техник топшириқда аниқланади.

6.3. Лойихачи ишларни бажарип бўлгач, Буюртмачига техник топшириқда қўрсатилганидек топшириш - қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова қилиб битта электрон вариант ва З та нусхада хужжатлар комплектини хисобот билан тақдим этади.

6.4. Буюртмачи мазкур шартномада қўрсатилганидек, топшириш - қабул қилиш далолатномасини ва хисобот хужжатлари бажарилган ишларни 5 кун мобайнида қабул қилиш мажбуриятини олади ва Лойихачига имзоланган, ёки асосли эътироз билдирилган топшириш-қабул қилиш далолатномасини жўнатади.

6.5. Бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш давомида буюртмачининг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

6.6. Агар ишларни бажариш жараёнида, кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофик эмаслиги маълум бўлиб қолса, томонлар 5 кун мобайнида бир-бирларини ишлар тўхтатилганилиги хақида хабардор қилишлари шарт ва 10 кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофик бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқиши керак. Ишлар тўхтатилган холларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўзда тутилган мажбуриятлар юкландади.

6.7.Ўзаро хисоб-китоблар қилишнинг муддати келганилиги, томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш хақидаги ёзма хабарнома берган санадан хисобланади.

6.8. Бажарилган ишлар (босқичлар)да камчилик ва нуқсонлар аниқланганда лойихачи уларни бегараз бартараф этади.

6.9. Агар Лойихачи ўтган босқич учун хисобот бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

7. Тарафларнинг жавобгарлиги.

7.1. Лойихачи ЛСХ хужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган ЛСХ хужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектидан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир ва камчиликларни бартараф қилиш учун қилинган харажатларни қоплайди.

7.2. ЛСХ хужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Лойихачи Буюртмачининг талаби билан ЛСХ хужжатларини белуп қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

7.3. Томонларнинг мажбуриятларини бажармаганлиги ёки етарли даражада бажармаганликлари учун жавобгарликлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукуқий базаси тўғрисидаги» қонунга, хамда Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик кодексига асосан белгиланади.

7.4. Лойихачи томонидан бажарилган ишлар ёки қўрсатилган хизматлар муддати кечиқтирилганда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,1 фоизи

микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеняниг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 20 фойиздан ошмаслиги лозим.

7.5. Пеняниг тўланганлиги ва заарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

7.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ белгиланади.

8. Бартараф этиб бўлмайдиган куч холати (форс - мажор).

8.1. Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ходисалар, харбий харакатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган бошқа кучлар сабабли содир бўлган бўлса хамда бу холат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарлиқдан озод бўладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат хукм сурган вақтга мос равишда орқага сурилади.

8.2. Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари З ойдан ортиқ вақтга чўзиладиган бўлса, Лойихачи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора-тадбирлар кўришни мухокама қиласидар. Агар томонлар икки ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг хар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга хақлидир.

9. Қўшимча шартлар

9.1. Буюртмачи 1.1 - бандда кўрсатилган обьектдан ташқари, Лойихачи томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга хақли эмас, Лойихачи олинган бирламчи маълумотлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш хукуқига эга эмас.

9.2. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - хукукий базаси тугрисида» ги қонунига, хамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

10. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

10.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажарилгунча ўз кучида қолади.

10.2. Шартноманинг муддати тугасига қарамай, томонлар жавобгарлиқдан озод этилмайди.

11. Бахсларни хал этиш тартиби

11.1. Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек келтирилган заарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган бахслар ўзора мухокама қилиниб келишувга эришиш имконияти бўлмаган тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибида хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

12. Шартномани ўзгартириш ва унга қўшимчалар киритиш тартиби ва бекор қилиш тартиби.

12.1. Ушбу шартномага хар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколати шахслари томонидан имзоланган тақдирда хакиқий хисобланади.

12.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига кўра, етказилган заарни қоплаш шарти билан йўл қўйилади.

12.3. Лойихачининг айби билан ишларнинг бориши тўхтаб қолса ва ишларнинг тутатилиши шартномада белгиланган муддатдан бир ойдан ошиқ муддатга кечиктирилса, берилган топширикда назарда тутилган ишлар сифати мавжуд талабларга жавоб бермаса, Буюртмачи шартномани бир томонлами бекор қилишга хақли.

12.4. Лойихачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиха ишлари Буюртмачи томонидан бир ойдан ошиқ муддатга тўхтатилса, Буюртмачи лойихалаш ишларининг хақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса, Лойихачи шартномани бекор қилишга хақли.

12.5. Шартномани бекор қилиш хақида қарорга келган томон иккинчи томонга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юборади, иккинчи томон мазкур билдиришномани олган кундан бошлаб 10 кунгacha эътиroz билдиримаса шартнома бекор қилинган хисобланади.

13. Томонларнинг реквизитлари:

Буюртмачи:

«Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмиrlаш хамда иссиқлик таъминоти обьектларини куриш бўйича ижиниринг компанияси» ДУК Хоразм вилояти худудий филиали

Урганч ш. А.Кодирий кўчаси 96 уй
Телефон: (62) 228-35-91
Шхр: 100021860334017069902110003
СТИР: 307 907 874
Молия вазирлиги ягона газна хисоб вараги
23402000300100001010
Марказий банк Тошкент ИНН 201122919



Б. Қадиров

Лойихачи:

“MEGA ENERGO LOYIHA” X/K

Хива тумани, Гулшан МФЙ Обод диёр 81
Телефон: 90-229-33-39, 33-232-33-39
x/r 20208000900482504001
СТИР 303397595
ОКОНХ _____
Ўз ҚҚБ Хива филиали
МФО 00576



Директор:

Б. Абдуллаев

"КЕЛИШИЛГАН"

Хоразм вилояти хокимининг
уринбосари SI XORAZM VILOYATI

Б.Курбанов

2022 й.



"КЕЛИШИЛДИ"

Ўзбекистон Республикаси Молия
вазирининг ўринбосари

А.Хайдаров

2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июндангы ПҚ-5152-сонлиқ қарорининг 3-кловаси нажроси юзасидан
2022 йилдаги Акорд мунисипалитетидаги кўп каватли ўйларнинг туташ ҳудудларини ободонлаштириш бўйича ишлаб чинилган дастоабки
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ

"ТАСДИКЛАЙМАН"

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал
хизмат курсатни вазирининг ўринбосари

Н.Назиров

2022 й.



(минг.сўм)

№	Объектларининг номи ва жойлашган манзили	Курилиш бошланни шн йили	Тротуарларни тавсирлаш (минг м²)		Ташкин ёритиш москамаларини ўрнатиш (дона)		Болалар майдончалини куриш (дона)		Ирригация тармоқларини тавсирлаш		Хожатхоналарни куриш (дона)		2021 йил жами капитал кубигилмалар	Курилиш монтаж ишлиарнинг умумий книмати	2022 йилга капитал кўйилма				Темасидан курадиги	Акорда тақдим санаси	Электронлик хозяйкоти сенеси ва расмий	Гасандиган тақдим бўйини расмийлаштируш	Лайингачи ташаккоти		
			м²	минг сўм	дона	минг сўм	дона	минг сўм	п/м	минг сўм	дона	минг сўм			Жихозлар	Жами	Лойиза-смота ва экспертиза хужжатлари учун харажатлари	Шундан буортмачини сислиш харажатларин							
1	Ургач шаҳар		680,0	8		13		0		0			68 960,20				68 960,20	24 444,20	44 516,00						
1	"Мустакиллик" МФЙ Тинчлик кўчаси №33, 2Г, 2А уйлар . "Шодлик" МФЙ Ал-Хоразмий кўчаси №202 уй, "Австо" МФЙ К.Отаниёзов кўчаси №61,61/1 уйлар, "Саховорат" МФЙ Амударё кўчаси №9 уй, "Олма боғ" МФЙ П.Махмуд кўчаси №19 уй, "Кўхна-Калъя" МФЙ б даҳа №12 уй, "Бўстон" МФЙ Ташкент кўчаси 12/3 уй, "Умид" МФЙ А.Темур кўчаси №151,153 уйлар. "Гулчилар" МФЙ П.Махмуд кўчаси №2А уйлар	2022- 2022 й.й.	680,0	8		13							68 960,20				68 960,20	24 444,20	44 516,0	2022		танлов ассосида			
2	Хива шаҳар		580,0	0		2		110		0			16 862,80				16 862,80	7 078,40	9 784,40						
2	"Газчи" МФЙ Э.Аллайров кўчаси №29,31,33 уйлар	2022- 2022 й.й.	580,0			2		110					16 862,80				16 862,80	7 078,40	9 784,4	2022		танлов ассосида			
3	Гурлан тумани		0,0	2		2		68		0			13 050,28				13 050,28	5 807,56	7 242,72						
3	"Шодлик" МФЙ Бобур кўчаси №14 уй, "Янги боғ" МФЙ Зиротчилар кўчаси №5 уйлар	2022- 2022 й.й.		2		2		68					13 050,28				13 050,28	5 807,56	7 242,7	2022		танлов ассосида			
4	Кўпшўпир тумани		0,0	8		3		80		0			22 627,00				22 627,00	8 999,80	13 627,20						
4	"Таракюёт" МФЙ Ал Замоҳшарий кўчаси №1 уй, "Чаманзор" МФЙ Ш.Рашидов кўчаси №2,19,22 уйлар, Ал Беруний кўчаси №3 уй	2022- 2022 й.й.		8		3		80					22 627,00				22 627,00	8 999,80	13 627,2	2022		танлов ассосида			
5	Ургач тумани		450,0	12		2		0,0		0,0			25 034,20				25 034,20	9 802,20	15 232,00						
5	"Кумравот" МФЙ Нурили Масаки кўчаси №9,10,11,12,13 уйлар, "Чубабод" МФЙ Ипак Йули №1,2,3 уйлар	2022- 2022 й.й.	450,0	12		2							25 034,20				25 034,20	9 802,20	15 232,0	2022		танлов ассосида			

6	Хазарасп тумани	0,0	0	2	0	0	10 490,20		10 490,20	4 954,20	5 536,00		
6	"Ал-Хоразмий" МФЙ Мустакиллик кўчаси №2,13 уйлар	2022-2022 й.и.		2			10 490,20		10 490,20	4 954,20	5 536,0	2022й	тандов асосида
7	Тупроккалья тумани	250	2	1	0	0	9 902,20		9 902,20	4 758,20	5 144,00		
7	"Мухаббат" МФЙ Мустакиллик кўчаси №3/12, 3/13 уйлар	2022-2022 й.и.	250,0	2	1		9 902,20		9 902,20	4 758,20	5 144,0	2022й	тандов асосида
8	Шовот тумани	0	8	3	0	0	21 698,20		21 698,20	8 690,20	13 008,00		
8	"Пахтакор" МФЙ Туркистон кўчаси №3,4,5,6,7,8,9 уйлар	2022-2022 й.и.		8	3		21 698,20		21 698,20	8 690,20	13 008,0	2022й	тандов асосида
9	Янгиарик тумани	0	0	2	0	2	16 850,20		16 850,20	7 074,20	9 776,00		
9	"Янгибозор" МФЙ Файзли кўчаси №11 уй, Мустакиллик кўчаси №96,94,71 уйлар	2022-2022 й.и.			2		16 850,20		16 850,20	7 074,20	9 776,0	2022й	тандов асосида
10	Янгибозор тумани	200	3	1	0	0	10 544,20		10 544,20	4 972,20	5 572,00		
10	Дўстлик МФЙ Истиклол кўчаси № 1,2,3 уйлар	2022-2022 й.и.	200,0	3	1		10 544,20		10 544,20	4 972,20	5 572,0	2022й	тандов асосида
	Буортмачининг жами ҳаражитлари	2 160	43	31	258	2	216 019		216 019	86 581	129 438		
	Таксимлашмаган лимит						3 019 980,5						
	Хоразм вилояти бўйича жами						3 236 000,0						

Итло: Юқорида кўрсатилган шаҳарлари ва нахдатига лойиха-смета хужожсаналари тайёрланнив, экспартиза ҳолосаси олишсанидан ёнг аниқлик киритилади.

"КЕЛИШИЛДИ"

Хоразм вилоят уй-жой коммунал хизмат
иўрассиши бошқармаси бошчилиги



Д.Аллақулев
2022 й.



Хоразм вилояти Молия бош
бошқармаси бошчилиги
М.Искандаров
2022 й.

"КЕЛИШИЛДИ"

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат иўрассиши
вазирлиги "Кўп хонадоили уйларни мукаммал ва жорий
тъымирлаш ҳамда исеслик тъыминоти объектларни қурниш
бўйича ишенингизни компанияси" ДУК директори



Л.Шарапов
2022 й.

"КЕЛИШИЛДИ"

Кўп хонадоили уй-жой фондидан
фотопланшетни таҳсилот юзини Хоразм
вилояти худудидан инспекцияси бошчилиги



Р.Рузимов
2022 й.

"КЕЛИШИЛДИ"

"Кўп хонадоили уйларни мукаммал ва жорий тъымирлаш зamonasi"
исеслик тъыминоти объектларни қурниш бўйича ишенингизни
компанияси" ДУК Хоразм вилояти худудий филиали раҳбари



Б.Кадиров
2022 й.